

Абдурахимов Қодиржон Абдухалилович,
Ўзбекистон Миллий университети “Педагогика ва
умумий психология” кафедраси доценти

ТАФАККУР ЖАРАЁНИГА АЙТИБ ТУРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА РОЛИ

УДК: 159.923

DOI: 10.34920/SO/VOL_2023_ISSUE_2_6

АБДУРАҲИМОВ Қ.А. ТАФАККУР ЖАРАЁНИГА АЙТИБ ТУРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА РОЛИ

Мазкур мақолада тафаккур жараёнига айтиб туришларнинг таъсири, анланганлик ва анланмаганликнинг узлуксиз боғлиқлиги ҳамда тафаккурнинг жараён сифатидаги босқичлари ва даражалари зонлари психологик жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, тафаккур жараёнининг айтиб туришлар таъсирида вужудга келадиган шартли босқичлари психологик изоҳлаб берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: онглилик ва онгсизлик, анланганлик ва анланмаганлик, эмпатия, рефлексивлик, психик тузилма, когнитив услуб, замонавий тасаввур, интеллектуал фаолият.

АБДУРАҲИМОВ К.А. ВЛИЯНИЕ И РОЛЬ РЕЧИ НА МЫСЛИТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС

В данной статье проанализированы с психологической точки зрения влияние подсказок на процесс мышления, взаимовлияние сознательности и бессознательности, а также рассмотрены уровни и стадии процесса мышления. В частности, психологически обоснована появление условных уровней в мыслительном процессе под влиянием подсказок.

Ключевые слова и понятия: сознательность и бессознательность, понятливость и непонятливость, эмпатия, рефлексивность, психическая структура, когнитивный метод, современное представление, интеллектуальная активность.

ABDURAKHIMOV K.A. THE INFLUENCE AND ROLE OF SPEECH ON THE THINKING PROCESS

This article is devoted to the analysis of influence of promptings on the process of thinking, interaction of consciousness and unconsciousness, and it is considered the levels and stages of the process of thinking from the psychological point of view. In particular, it is given psychological proof of appearing of conditional levels in the process of thinking under the influence of promptings.

Key words and concepts: consciousness and irresponsibility, awareness and incomprehension, reflexive, psychic structure, cognitive method, modern imagination, intellectual activity.

Кириш. Замонавий шахс психологияси ҳақидаги таълимотлар бир томондан, ўзидан олдинги ижтимоий-психологик, тарихий - фалсафий қарашларни давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, ўзига хос йўналишда ривожланмоқда. Шахс ҳақидаги таълимот ва назарияларнинг ижодий ривожлантирилиши, аввало, унинг умумий ривожланиш хусусиятларини акс эттирса, бошқа томондан, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг назарий, методологик, амалий жиҳатларини аниқлайди ва истиқболларини кўрсатади.

Мавзу бўйича илмий адабиётлар таҳлили ва методология. Инсон онги, билими, камолоти тўғрисидаги қарашлар ривожда VIII-XII ҳамда XV-XVIII асарлар муҳим ўрин тутуди. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби мутаффакир олимлар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби улуғ аждодларнинг камолотида нафақат исломий тафаккур, балки цивилизациямиз маданияти ва қадриятлари таъсири беқиёсдир. Инсон тафаккури ўзга билишнинг кўплаб усуллари, услуб ва шаклларини қамраб олган мураккаб билиш жараёнидир. Инсон тафаккурида уни ўраб турган воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш уларнинг мантиқий образини ўзида ифодалаган тушунчалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар қандай билиш жамиятда пайдо бўлади, шаклланади ва маънавий-маданий асосларга таянади. Бу ҳар қандай билим ижтимоийдир, у инсоннинг одамлар орасидаги фаолияти билан боғлиқ, деган маънони англатади. Ҳар хил ижтимоий-тарихий даврларга турли тафаккур шакллари мос келади. Ҳар бир даврнинг, демак, бизнинг давримизнинг ҳам тафаккур услуби хилма-хил тарзда намоён бўладиган тарихий ҳодисадир. Демак, ҳар қандай бошқа усуллар сингари, тафаккур усули ҳам ижтимоий-тарихий воқелиқнинг инъикосидир.

Психика – жараён сифатида бошланғич ва энг муҳим психологик воқелик бўлиб, унда инсоннинг дунё билан ўзаро таъсири мобайнида барча психик (англанган ва англамаган) ҳодисалар, функциялар, ҳолатлар, хусусиятлар ва бошқалар шаклланади.

Психик жараён сифатидаги назария нуқтаи назаридан С.Л.Рубинштейн¹ англаганлик ва англамаганликнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги ўзининг дастлабки қарашларини анча чуқурлаштиради ва ривожлантиради. Барча психик жараёнлар (шу жумладан, фикрлаш ҳам) ҳар доим англаганлик ва англамаганликнинг турли даражаларида бир вақтнинг ўзида шаклланади. Сезгида акс этган қўзғатувчилар объектлар сифатида англамасдан, сигналлар сифатида таъсир этиши мумкин. Инсонлар кўпинча тўғри мантиқий хулосаларни унинг асосини англаб етмасдан чиқаришади (масалан, қоидани битта вазифадан иккинчисига улар ўртасидаги умумийликни англаб етмасдан кўчиришади).

Биз кўп жиҳатдан С.Л.Рубинштейн мактабида ишлаб чиқилган тафаккурдаги англаганлик ва англамаганликнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги қарашлари тарафдоримиз. Ушбу позициянинг моҳияти – фикрлаш жараёнида англаганлик ва англамаганликнинг бирлиги эканлигидан иборат. Бирор бир вазифани ечишда англаганлик ва англамаганликнинг узлуксиз ўзаро таъсири содир бўлади.

Англаганлик ва англамаганликнинг узлуксизлиги С.Л.Рубинштейн² ва унинг мактаби вакиллари томонидан авваламбор тафаккур жараён сифатида назарий ва экспериментал тадқиқотлар давомида мунтазам ўрганиб чиқилган бўлиб, у психиканинг жараён сифатидаги фундаментал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тафаккур инсонни объект билан узлуксиз ўзаро таъсири бўлганлиги учун ҳам жараён бўлиб ҳисобланади. С.Л.Рубинштейн инсон психикасини иккита бир-бирига зид англаганлик ва англамаганлик соҳаларига, сфераларга ажратиш мумкин эмас, деган хулосага келган. Бироқ бошимиздан кечирганларимизнинг ҳаммаси ҳам бирдек англавермаслигига шубҳа йўқ. Онга эга бўлган инсонда мутлақо онга тегишли бўлмаган, тўлиқ ондан ташқаридаги психик кечинмаларнинг бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда улар психик эмас, балки физиологик жараён-дир. Бироқ ҳеч қандай англамаганлик мавжуд бўлмаган ёки тўлиқ англаганлик тўғрисида фақат идеал чегара сифатида гапириш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай англаган мазмун одатда ўз ичига тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган

¹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер Ком, 1999. – 720 б.

² Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер Ком, 1999. – 725 б.

англанган боғлиқлик ва муносабатларни олади. С.Л.Рубинштейн мактаби амалий жиҳатдан фикрлаш фаолиятининг барча босқичларида анганлик ва англамаганликнинг узлуксиз ўзаро алоқасини акс эттиради. Онг ўз ичига анганлик ва анганмаганликнинг у ёки бу муносабатини олади. С.Л.Рубинштейн анганмаган хатти-ҳаракатлар деганда, инсон ўзи билмай содир этган хатти-ҳаракатларни эмас, балки инсон томонидан унинг оқибатлари билан муносабатлари кўриб чиқилмаган хатти-ҳаракатларни тушунади. Худди шундай анганмаган ёки онгсизликдаги майллар - бу предметлари анганмаган майллардир. Олим фикрича, модомики тафаккур ишлашининг энг аҳамиятли томони нарсаларни янги алоқаларга киритишдан иборат экан, нарсаларнинг янги, уларнинг ғайриоддий сифатлари англаниши юзага келишидан иборат. С.Л.Рубинштейн издошлари ва шогирдларининг экспериментал ишларида мунтазам равишда тадқиқ этилган тафаккурнинг асосий психологик механизмларидан бири (синтез орқали анализ) ана шулардан иборат. Шу билан бирга синтез орқали анализ анганлик ва анганмаганликнинг ўзаро бир-бирига ўтиш механизми бўлиб, А.В.Брушлинский фикрича, одатда етарли даражада инобатга олинмайди. Бундай ўзаро бир-бирига ўтиш эса, авваламбор, англаш ва аффективлик ўртасидаги антагонистик, қарама-қарши муносабатларга боғлиқ бўлади. А.В.Брушлинский психиканинг узлуксизлиги ҳар доим анганлик ва анганмаганлик бир вақтнинг ўзида турли хил, лекин ўзаро боғлиқ даражаларда шаклланади ва амалга оширилади, унинг роли катта аҳамият касб этади деб ҳисоблаган. Уни тўғри тушуниш учун анганлик ва анганмаганликнинг умумий кўринишда асосий, бошланғич муносабатларини очиб бериш зарур бўлади. А.В. Брушлинский фикрига кўра, бу муносабат бошиданоқ ва ҳар доим нодизъюнктив бўлиб ҳисобланган.

Н.Н.Плетеневская¹ фикрича, тафаккур психологиясида субъектли-фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан фикрлаш фаолиятини амалга оширишнинг барча босқичларида анганлик ва анганмаганликнинг ўзаро алоқасини ўзида акс эттирувчи тасаввур ривожланмоқда. Ҳар қандай

анганган фикрлаш ҳаракати анганмаган компонентга эга ҳисобланади.

Замонавий тафаккур психологиясида фикрлаш жараёнининг учта асосий даражаси ва компоненти ажратилади:

- расмий;
- операционал;
- процессуал.

Психологик таҳлил учун тафаккур шаклланиши операционал ва процессуал даражасининг ўзаро алоқасини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Шу билан боғлиқ тарзда Н.Н.Плетеневская фикрича², айнан процессуал жабҳанинг фикрлаш фаолиятини интерпретациялашга киритилиши синалувчилар томонидан топшириқни бажариш давомида тафаккурнинг анганган ва анганмаган таркиби орасидаги узлуксиз таъсирини аниқлаш ҳамда тафаккурда анганлик ва анганмаганлик алоқасини адекват изоҳлашга имкон беради. Анганлик ва анганмаганликнинг тафаккур жараёнидаги алоқаси экспериментал тарзда аниқланган бўлиб, бу топшириқни бажаришнинг турли босқичларида тафаккурнинг ушбу иккала жабҳасини бир вақтда кўргазмали равишда намоён этиш имкониятини беради. Процессуал ёндашув таркибида идрокнинг субсенсор даражасида таъсир кўрсатувчи айтиб туришни қўллаш орқали фикрлаш вазифасини ечишнинг анганган ва анганмаган жараёнларнинг ўзаро таъсири экспериментал тарзда биринчи марта ўрганилди. Айтиб туриш типини ақлий ҳаракатлар ва операциялар билан солиштирган ҳолда тафаккурнинг жараён сифатида кечишига таъсир кўрсатиши аниқланган.

Инсон ҳар доим мақсадни, ҳеч бўлмаганда айрим мотивларни, у ёки бу саъй-ҳаракатлари, хатти-ҳаракатлари, умуман, фаолиятининг оқибатини англайди. Худди шундай, аксинча, ушбу ҳолатларнинг барчасида у ҳеч қачон у ёки бу фаолиятни амалга ошириш учун барча восита, усул, ҳаракат механизмлари ва бошқаларни тўлиқ англаб етмайди. А.В. Брушлинский экспериментларида аксарият синалувчилар одатда ўз тафаккур жараёнларини англамаган, бироқ ушбу жараён мобайнида улар олдида қўйилган вазифаларнинг ўзлари учун кутилмаганда тўғри жавобини топишган.

¹ Плетеневская Н.Н. Соотношение сознательного и бессознательного компонентов при решении мыслительных задач. // Дис. канд. психол. наук: 19.00.01. – М.: РГБ, 2007. – 136 б.

² Плетеневская Н.Н. Соотношение сознательного и бессознательного компонентов при решении мыслительных задач. // Дис. канд. психол. наук: 19.00.01. – М.: РГБ, 2007. – 130 б.

Асосий таҳлил ва натижалар. Фикрлаш жараёнида мураккаб функционал ўтишлар амалга оширилади, қандайдир босқичда абстракт ва ҳиссий билимлар билан операция олиб бориш бўйича бўлинган фаолият мос равишда миянинг ўнг ва чап ярим шарлари ёрдамида амалга оширилади ҳамда изланган натижани олишга муваффақ бўлган ҳолда кутилмаганда бирлашади. П.В.Симонов фикрича, ижодий тафаккурнинг нейрофизиологик асосларини тушуниш учун бош мия пешона қисми функциялари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўнг ва чап ярим шарларнинг олд қисмлари фаолияти ҳисобига икки хил қараш – хаёлий ва танқидий фикрлар диалоги юзага келади ҳамда фаразларнинг анланган мантиқий танланиши амалга оширилади. Бош мия икки яримшарларининг функционал асимметрияси ижодий жараённинг анланган ва анланмаган компонентлари ўзаро таъсирининг нейробиологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Илмий-назарий, ижодий масалаларни ечишга келсак, бунда фикрлаш босқичларини мураккаброқ бўлишга тўғри келади. Жуда кўп турли-туман схемалар мавжуд бўлиб, улар 5 та шартли босқичлардан иборат.

1. Топшириқни аниқлаштириш ва шакллантириш учун керакли бўлган билим ва кўникмаларни тўплаш. Вазифани аниқ шакллантириш бу вазифани ечишнинг ярмини ташкил этади.

2. Қўшимча маълумотни топишга кучларнинг тўпланиши. Агар шунда ҳам вазифа ечилмаса, кейинги босқичга ўтилади.

3. Муаммодан қочиш, бошқа топшириқларга ўтиш. Бу давр инкубация даври деб номланади.

4. Ёритиш ёки инсайт. Инсайт – бу доим ҳам ўзига хос ғоя бўлиб қолмай у оддий кўриниш гумондир. Ташқаридан инсайт мантиқий узилиш, тафаккурдаги сакраш мантиқийлик чегарасидан қутулиб бўлмайдиган йўлдан келиб чиқмайдиган натижани олишдек кўринади. Катта истеъдодга эга бўлган инсонларда бу сакраш жуда катта бўлади. Лекин ҳар қандай ижод актида ҳаттоки, мактаб ўқувчиси томонидан арифметика бўйича топшириқларни ечишда ҳам микроскопик ўлчамларда бўлса-да бундай узилишлар бўлади.

5. Текшириш.

Бихеовиористлар фикрича, тафаккур жавоб беришнинг индивидуал тажрибаси шаклланишини таъминловчи узоқ муддатли ўрганиш асо-

сида юзага келади С.Н.Шепин фикрича, ижодий тафаккур фикрлашнинг энг юқори даражаси, ихтиролар, кашфиётларнинг оригинал маҳсулига эришиш (яратиш)ни таъминловчи хулқ-атворнинг оригинал шакллари намоён бўлиш имкониятларига мос келади. Ижодий тафаккур муаллиф томонидан хулқ-атвор (фаолият) шакли сифатида қаралади ва ўрганиш натижаси ҳисобланади, фақатгина алоҳида индивидлар ижод қила олиш имкониятига эгадирлар.

Инсон томонидан ҳаракат амалга оширилганда тафаккур жараёни ҳар доим ҳаракатни бошқариш учун янги ахборот зарур эканлиги маълум бўлганда юзага келади. Мазкур маънода фикрлаш жараёни ҳаракатни бажаришнинг инсонга таниш бўлган принциплари ва усуллари ўртасидаги тарқоқлик натижасида вужудга келади. Бироқ бу тарқоқлик ҳаракатнинг берилган ва талаб қилинаётган компонентлари ўртасидаги келишмовчиликни аниқлаш орқалигина амалга оширилади. А.М.Матюшкин таъкидлашича, ҳаракатни бажаришнинг янги шароитлари фикрлаш жараёнида маълум ҳаракатга қўйиладиган янги талаблар, ўтган тажрибада эгалланган ҳаракат компонентлари ўртасидаги келишмовчиликни аниқлаш орқали сингдирилади. Бунда тафаккур жараёни юзага келган келишмовчиликни енгил учун зарур бўлган янги ахборотни аниқлашга, ҳаракатни бажариш учун адекват шароитларнинг янги бошқарувчи асосини қуришга хизмат қилади. Муаммоли вазиятда номаълумни излаш ва топиш жараёнининг муҳим тавсифи шундаки, бу жараёнда мантиқий ўзгариш қонуниятларидан ташқари инсон интуитив фикрлаш қонуниятлари ҳам намоён бўлади.

Шундай қилиб, реал фикрлаш жараёни анланганлик ва анланмаганликнинг узлуксиз ўзаро таъсиридадир. Юқорида айтиб ўтилган кенг тарқалган нуқтаи назардан фарқли ўлароқ анланганлик ва анланмаганлик муносабатлари аввал бошданоқ узлуксиз бўлмай, авваламбор бу тафаккур жараёнида янгилик, номаълумликни топиш, очиш бир вақтнинг ўзида анланганлик ва анланмаганликнинг барча даражаларида амалга оширилиб, аввал анланган ҳолда содир бўлиб, фақат кейинчалик худди “бирор эски сана билан” онг даражасига ўтказилмайди. Реал тафаккурнинг барча босқичлари, ҳатто микро босқичларини характерловчи анланганлик ва анланмаганликнинг бу узлуксизлигида психиканинг нодизъюнктивлиги яна намоён бўлади.

1-расм. Тафаккурнинг жараён сифатидаги фазалари ва даражалари мезонлари¹

Тафаккур жараёни узлуксиз, нодизъюнктив, ноизоморф сифатида тушунилади. Тафаккур жараёнининг асосий механизми – синтез орқали анализ – шахс томонидан объектнинг бошқа объектлар билан фикран ёки реал алоқалар тизимига киритилиши ва шу асосда объектнинг янги хусусиятларини аниқлаш орқали ўрганиши ҳисобланади.

Тафаккур жараёнининг асосий механизми сифатидаги синтез орқали анализ фикрий фаолликнинг креатив табиатини аввалдан таъминлаб, бунда билиш объекти доимо шахс учун аввал индивидуал онга тақдим этилмаган янги сифат ва хусусиятларида намоён бўлади.

Тафаккурнинг жараён сифатидаги босқичлари ва даражалари мезонлари қуйидагилардан иборат (1-расм):

- субъект илгари сурган изланаётган ечим башоратининг характери;
- масала шартлари ва талаблари ўзаро муносабатининг акс этиши;
- айтиб туришларни қабул қилиш ва қабул қилмаслик;

– вазифанинг асосий компонентларини умумлаштириш даражаси ҳисобланади.

А.В. Брушлинский тасвирлаган бир лаҳзали бўлмаган инсайт - вазифани ечишнинг ҳар бир босқичида анланганлик ва анланмаганликнинг узлуксиз ўзаро таъсирининг исботидир. Бунда инсон у ёки бу ғояни очишга секин-асталик билан келади ва у аввалдан ўзи чиқарган қарорнинг тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмайди².

Бир лаҳзали бўлмаган инсайт тафаккур башорат қилиш бўлиб ҳисобланиши ҳақидаги фактни тасдиқлайди, яъни фикрлаш жараёнининг ҳар бир босқичи даражасида субъект башоратни илгари суради, бўлиши керак бўлган ечимни олдиндан фаҳмлайди, кейинчалик эса уни тўғри ёки нотўғрилигини асослай бошлайди.

Инсайт, фикрий ёритиш, фикрлашнинг кескин ва тез кечиши муаммоси, албатта, тафаккур назарияси учун классик назария ҳисобланади. Илмий адабиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда инсайтни тўсатдан пайдо бўлиш деб, таърифлаш мумкин. Бу субъект хулқ-атворида ечиш принципини топиш билан боғлиқ сифатий ўзгаришларнинг лаҳзалик характери.

¹ Блейхер В. М., Завилянская Л. И., Завилянский И. Я. О проявлениях бессознательного в психиатрической симптоматике и необходимость учета этого фактора в психотерапии // Бессознательное. - Т.1. - 2006

² Косов Б.Б. Творческое мышление, восприятие и личность / Б.Б. Косов. - Москва - Воронеж, 1997. - 48 с.

А.В.Брушлинский томонидан бошқа бир ғаройиб ҳолат – лаҳзасиз инсайт аниқланган. Бу шундан далолат берадики, фикрий излашда анланганлик ва анланмаганлик ўртасида кескин қарама-қаршилиқ мавжуд эмас. Тафаккурнинг онг ҳамда онгсиз бошқичларида анланганлик ва анланмаганликнинг у ёки бу мутаносиблиги бўлади.

“Онгсизлик”¹ деганда одамда шундай психик жараёнлар ва тузилмалар тушуниладики, улар фаолиятни бажариш мобайнида уни ўзгартиришга таъсир кўрсатадилар, бироқ онг акти бўлиб қолмайдилар. Инсон фаоллигининг бирор бир шакли йўқки, унда анланмаганлик у ёки бу даражада субъект томонидан амалга ошириладиган билиш жараёни сифатида намоён бўлмаган бўлса, ёки тафаккур орқали нафақат анланганлик ва анланмаганликнинг, балки шунингдек, эксплицитлик ва имплицитликнинг узлуксиз ўзаро таъсири билан характерланмаган бўлса.

“Имплицитлик-эксплицитлик” муаммоси кўпинча анланганлик-анланмаганлик билан боғлиқ. Бизнингча, эксплицитлик ва имплицитлик кўпинча анланганлик ва анланмаганликнинг онтологик аналоглари бўлиб ҳисобланади. Онглилик ва анланмаганлик фақатгина психикани ташкил этувчилар эмас, балки тўлиқ субъектив ҳолатлардир. Улар онтологик асосларга эга бўлиб, инсон мавжудлигини ҳосил қилади. Анланмаганлик нарсаларда, борлиқда имплицитлик сифатида бор, яъни мавжуд ҳиссиётлар, образларда акс этувчи, лекин тафаккурга маълум бўлмаган, аниқланмаган, анланмаган, объектда вербаллаштирилмаган, бироқ мавжуд бўлган ҳолатлар ёки жараёнлар силсиласидир².

Онгсизлик - субъект борлигининг бир қисмидир; онгда бўлмаган ёки аниқ акс этмаган объектда руҳнинг интенцияси, шахснинг маълум маънода интилишнинг манбаини тушунмаган ҳолда интилиши, уни амалга оширигандан кейин юз берадиган тузилмалари ва

оқибатларини ҳали тасаввур қилмасдан туриб ҳаракат қилишидир³.

Шу тариқа тафаккур бошиданоқ олдиндан берилмаган жараён бўлиб ҳисобланади. А.В.Брушлинский бўйича башорат қилиш орқали тафаккурнинг асосий парадокси ҳал этилиб, бу қадим даврлардаёқ шакллантирилган - агар мен нимани қидираётганимни билсам, у ҳолда нима учун мен қидираман, агар мен нимани қидираётганимни билмасам, у ҳолда мен қандай қилиб қидиришим мумкин? Инсон ўз шахсий саъйи-ҳаракатлари натижаларини, изланаётган ечимни аввалдан фаҳмлаб, тахминларни илгари суради. Тафаккурнинг аввал бошидаёқ инсон ниманидир билади, ниманидир олдиндан фаҳмлайди ва ҳаммаси ёки ҳеч қайсиси ҳолати бўлмайди.

Хулоса.

Фикрий изланишларда анланганлик ва анланмаганлик бирлиги ҳақидаги сўнги нуқтаи назар, бизнинг фикримизча, энг истиқболлисидир. Тафаккурда анланганлик ва анланмаганлик яқиндан бир-бири билан ўзаро боғлиқлигининг эҳтимоли кўп. Агар бу шундай бўлса, у ҳолда улар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишади. Тафаккурнинг битта даражаси ўзгариши (масалан, анланмаган компонентлари) билан бошқа даражаси (анланган) ҳам ўзгаради. Ушбу тахминни текшириб кўриш ва тафаккурда анланганлик ва анланмаганлик таъсирининг турли шакллари аниқлаш учун биз анъанавий айтиб туришлар методларидан фойдаландик. Айтиб туришларнинг ўзи бу ҳолатда фикрий изланишларнинг ноаниқ, яширин детерминацияси сифатида келади. Ундаги вазифа ва вербал айтиб туришлар тизимидан ўзгартиришларсиз фойдаланилган.

Бундан ташқари, ўтказилган эксперимент доирасида “субсенсор” айтиб туришлардан унга янада кўпроқ анланмаган тусини бериш учун фойдаландик. Субсенсор соҳа тушунчасини илк бор физиолог Г.В.Гершуни анланмаган кўзғатувчиларнинг ҳулқ-атворга таъсири далилларини белгилаш учун киритган. Адабиётларда ҳам субсенсор идрок (лот. sub - остида ва sensus - сезги, ҳис этиш) тушунчасига субъект фаолиятига таъсири ҳақида ўзига ҳисобот

¹ Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология / Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

² Блейхер В. М., Завилянская Л. И., Завилянский И. Я. О проявлениях бессознательного в психиатрической симптоматике и необходимость учета этого фактора в психотерапии // Бессознательное. - Т.1. - 2006. - С. 403-411.

³ Абдурахимов, К.А. (2015). Анализ проблемы сознательного и бессознательного в психологической науке. Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (5), 8-17.

бера олмайдиган қўзғатувчилар билан асосланувчи воқеликни бевосита психик акс эттириш, англамаганликнинг шаклларида бири сифатида таъриф берилган. Сизги чегаралари муаммосининг таҳлилидаёқ хулқ-атворга англамаган қўзғатувчиларнинг таъсири ҳақидаги далил аниқланган. Замонавий фанда уларни белгилаш учун "диққат олди" ва юқорида айтиб ўтилган "субсенсор соҳа" тушунчалари таклиф этилган.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, чегара ости (англамаган) стимуллари (қўзғатувчилар) кўрсатилишида шартли рефлексларнинг шаклланиш имкониятидан фойдаланиб инсонни бир нечта чет тилларига, тез ўқишга ўргатиш мумкин. Масалан, тил ўрганишнинг видеоэлектрон воситалари "Эксполингва-96" Москва Халқаро кўргазмасида таълимнинг суггестологик методи

ёрдамида ҳар бир кўргазмага келган киши уни қизиқтирувчи, ҳатто араб ва хитой тиллари асосларини бир нечта машғулотлар давомида эгаллаб олиши мумкин экан. 1987 йил Нейрофизиология ва олий нерв фаолияти институти томонидан таълимнинг ушбу методнинг мутлоқ хавфсизлиги ва фойдалилиги ҳақида расмий хулоса берилган. Бироқ на ватанимиз, на чет эл адабиётларида субсенсор айтиб туришлардан тафаккур психологияси соҳасидаги тадқиқотларда фойдаланилганлиги бизга маълум эмас(9). Бундай айтиб туриш моҳияти унинг мазмуни асосий вазифа шarti ва талаблари билан фақатгина билвосита боғланганлиги, яъни у ноаниқ, имплицит кўринишда эканлигидан иборат. У субсенсор даражада берилган бўлиб, бу жараён жуда тез амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахимов К.А. (2015). Анализ проблемы сознательного и бессознательного в психологической науке. // Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (5), 8-17.
2. Abduraximov Q.A. (2015). Psychological peculiarity of intellectual activity. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 3(2), 54-60.
3. Abdusalilovich A.Q. (2015). Psychological peculiarity of intellectual activity. // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 3 (2).
4. Абрамова Г.С. Практическая психология. - М.:Академия,1997. – 368 с.
5. Блейхер В. М., Завилянская Л. И., Завилянский И. Я. О проявлениях бессознательного в психиатрической симптоматике и необходимость учета этого фактора в психотерапии // Бессознательное. - Т.1. - 2006. - С. 403-411.
6. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер Ком,1999. - 720 с.
7. Есенгазиева Б.О. Взаимосвязь психологических и логических характеристик мышления // Мышление: процесс, деятельность, общение / Отв. ред. А.В. Брушлинский - М.: Наука, 1982. - С.80-139.
8. Косов Б.Б. Творческое мышление, восприятие и личность / Б.Б. Косов. - Москва - Воронеж, 1997. - 48 с.
9. Меерович М.И., Шрагина Л.И. Технология творческого мышления / М.И. Меерович, Л.И. Шрагина. - С.-Пб., 2003. - 542 с.
10. Плетневская Н.Н. Соотношение сознательного и бессознательного компонентов при решении мыслительных задач. // Дис. канд. психол. наук: 19.00.01. – М.: РГБ, 2007. –130 с.
11. Ғозиев Э.Ф. Умумий психология / Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.